2024-yil 18-yanvar // payshanba // № 10 (4918)

Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

Ishonch

• O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri
• Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

www.ishonch.uz | ishonch1991@yandex.uz | https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi | https://t.me/ishonchgz



Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2023 йил 29 ноябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида сув хўжалигидаги энг долзарб муаммоли масалалардан бири бўлган каналларда ортиқча сувнинг йўқотилишига алоҳида эътибор қаратилиб, каналларни бетонлаштириш бўйича масъулларга тегишли кўрсатмалар берилган эди.

Мамлакатимизда сув ресурсларининг 90 фоизи қишлоқ хўжалигига сарфланишини инобатга олсак, ариқ ва каналларни бетонлаштириш ишлари ниҳоятда зарур ва долзарб масала экани ойдинлашади.

Сув хўжалиги вазирлиги томонидан берилган маълумотга кўра, **2024 йилда 1 минг 500 километр,** яъни **2023 йилга нисбатан 4 баробар кўп** магистрал ва хўжаликлараро каналлар, **2025 йилда эса** камида **2 минг километр узунликдаги каналларни бетонлаштириш** мақсад қилинган. Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун ҳукуматнинг тегишли қарори қабул қилиниб, бетонлаш ишлари амалга ошириладиган каналларнинг манзилли рўйхати тасдиқланган.

Шу мақсадда ишлар ҳам бошланган. «Натижалари» ҳам кўзга кўринмоқда: ижтимоий тармоқлардаги чиқишларда кўриш мумкинки, баъзи жойларда ариқларни бетонлаш чоғида унинг атрофидаги дарахтлар ҳам «қотириб» кетилмоқда.

Шу ўринда бир қатор саволлар пайдо бўлади. Жумладан, мутасаддилар:

– бетонлаштирилмаган канал ва ариқларда қанча сув фильтрация ҳисобига сизиб кетаётганининг тахминий фоизини ҳисоблаб чиқишганми;

– бетонлаштириш келгусида ер ости сувларининг янада пасайишига олиб келиши инобатга олинганми?

Масъул ташкилотлар мана шу масалаларни таҳлил этиб, вазифани бажаришга киришган ҳам дейлик. Аммо, маълумотларга кўра, ариқ ва каналларни бетонлаштириш ишлари бошланган кундан шу даврга бор-йўғи 24 километр узунликда ишлар бажарилган, холос.

Энди яна савол туғилади: 2024 йилда 1500 километрлик ишларни бажариш мақсад қилинган вазиятда бу кўрсаткич кам эмасми?

Асосий ишларга қачон киришилади?

Ҳозир қиш фасли. Ариқ ва каналларда сув йўқ. Бироқ, ҳадемай, вегетация даври бошлангач, мақсад қилинган ишларнинг мушкулоти чандон ошиб кетмайдими? Ҳар ҳолда экин-тикинга айни обиҳаёт керак палада сувни тўхтатиб, ариқ ва каналларни бетонлаштириш тўғри қарор бўлмаса керак?

Яна бир масала. Сир эмас, кўп каналлар аҳоли хонадонлари билан туташиб кетган. Ҳатто канал (масалан, пойтахтдаги Салор канали) ёқалари ўзлаштирилиб, у ерларга уй-жой ёки овқатланиш шохобчалари қуриб олинган.

Хўш, бу сув йўлларини бетонлаштириш ишлари қандай амалга оширилади?

Вазирлик ишлаб чиққан дастурда мана шу ҳолатларнинг ҳам ечими борми?

Амир АҲМЕДОВ,
журналист

Сув хўжалиги вазирлигига!

ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ, КЎЗ ЧИҚАРМАЙЛИК

ёхуд сув йўлларини бетонлаштириш ишлари қанчалик оқилона бажарилмоқда?

Фарғона вилояти

КАМЧИЛИКЛАР бартараф этилди

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспекторлари ҳудуддаги тиббиёт муассасаларида ўрганиш ишларини олиб боришди.

Ишчи-ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат қонунчилиги доирасида йўл қўйилган хато-камчиликларни бартараф этиш кўзда тутилган ўрганиш ишлари Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси вилоят бошқармаси Бағдод тумани бўлимида олиб борилди.

Маълум бўлишича, ходимларга 2020-2021 йилларда меҳнат таътили пулларини тўлашда қатор камчиликларга йўл қўйилган. Аниқланган қонунбузилиш ҳолати бўйича иш берувчига 34-сонли ёзма кўрсатма хати киритилгач, муассасанинг 63 нафар ходимига кам тўланган 105 миллион 179 минг сўм таътил пуллари ундириб берилди.

Зафаржон ҚУРБОНОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори



Андижон вилояти

Таътил пуллари КУЙИБ КЕТМАДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгашига Андижон шаҳридаги «WBM TEXTILE GROUP» МЧЖнинг собиқ ишчилари Зарифа Аманова, Дамира Саидкаримова, Иззатилло Ҳурбаев, Умида Мўминовалар фойдаланилмаган меҳнат таътили пуллари тўланмаганлигидан норози бўлиб мурожаат қилишди.

Меҳнат кодексининг тегишли моддасида меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга иш ҳақини иш берувчи томонидан тўлаш муддатлари назарда тутилган. Унга кўра, меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходим томонидан фойдаланилмаган барча асосий ва қўшимча таътиллар учун компенсациялар ҳисоб-китоб қилиниши керак.

Мурожаат ўрганиб чиқилиб, ушбу қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида корхона раҳбарига тақдимнома киритилди. Ўз навбатида, корхона маъмурияти фойдаланилмаган таътил компенсация пулларини тўлаш чораларини кўрди. Натижада Зарифа Амановага 2 миллион 53 минг сўм, Дамира Саидкаримовага 5 миллион 645 минг сўм, Иззатилло Ҳурбаевга 11 миллион 551 минг сўм, Умида Мўминовага 5 миллион 72 минг сўм таътил компенсация пуллари тўлаб берилди.

Тўлқин СИДДИҚОВ,
Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти бирлашган қўмитаси раиси

Сурхондарё вилояти

Ходимлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ижобий ишлар одамларнинг касаба уюшмаларига бўлган ишончини тобора мустаҳкамламоқда. Узун туманида яшовчи Нурбой Бўриевнинг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгашига қилган мурожаати ижобий ечим топгани ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Ҳоким ёрдамчиси ВАЗИФАСИГА ТИКЛАНДИ

Гап шундаки, Н.Бўриев туман ҳокимининг 2022 йил 12 январдаги тегишли қарорига асосан ҳокимнинг «Хўжақулсин» маҳалла фуқаролар йиғинида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ёрдамчиси лавозимига тайинланган. У 2023 йил 27 июлда иш берувчини огоҳлантириб, соғлиғи ёмонлашгани сабабли, ўз хоҳишига кўра, ишдан озод этишни сўраб, ариза билан мурожаат қилган. Шундан сўнг иш берувчи Н.Бўриев билан тузилган меҳнат шартномасини ўша кундан бошлаб Меҳнат кодексининг 157-моддасига асосан бекор қилган.

Лекин меҳнат шартномасини бекор қилишда бир қатор хатоликларга йўл қўйилган. Шунингдек, иш берувчи ва ходим ўртасида лавозимидан озод этиш тўғрисида қўшимча келишув тузилмаган.

Иш берувчи Н.Бўриев билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда Меҳнат кодексининг 157-моддаси талабларини бузгани учун туман ҳокимининг 2023 йил 1 августдаги қарори бекор қилинди.

Ходимнинг мажбурий бекор юрган вақтлари учун ойлик иш ҳақларини ундириш ҳақида иш берувчига кўрсатма берилди. Аммо иш берувчи томонидан кўрсатма бажарилмагани учун ходимнинг манфаатини кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича Сариосиё туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суднинг 2023 йил 24 ноябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қаноатлантирилиб, Н.Бўриев ўз лавозимига ишга тикланди. Жавобгар ташкилотнинг зараридан аризачининг фойдасига қарийб 25,1 миллион сўм ойлик иш ҳақи ва маънавий зарар маблағи ундириб берилди.

Зариф ХОЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

Кун факти

Республика тез тиббий ёрдам маркази директори Абдувоитжон Ғофуровнинг маълумот беришича, ўтган 2023 йилда “103” хизматига жами 3505 та ёлғон чақириқ келиб тушган.

Қайд этилишича, энг кўп ёлғон чақириқ Тошкент вилоятида қайд этилиб, бу рақам 630 тани ташкил этган. Иккинчи ўринда 518 та чақириқ билан Фарғона вилояти, 3-ўринда эса 502 та ёлғон чақириқ билан Қашқадарё вилояти турибди.

ИШЧИ-ХОДИМЛАР МАНФААТИ – АСОСИЙ ВАЗИФА

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг навбатдаги раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни кенгаш раиси Абдулла Нугманов олиб борди.

– Касаба уюшмалари олдида турган стратегик мақсадлардан бири ходимларга муносиб иш шароитлари яратиш ҳамда даромадлари кўпайишига кўмаклашишдир, – дея таъкидлади А.Нугманов.

Тадбирда Республика кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Султонов ходимларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш борасида ўтган йили амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритди ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўз таклифларини билдирди.

Таъкидланганидек, 2023 йилда тармоқ тизимидаги ишчи-ходимларга турли ижтимоий кўмак ва моддий ёрдамлар кўрсатилган. Шу мақсадда 13 698 нафар ходимга 6 миллиард 621 миллион сўм сарфланган. Шундан 502 миллион сўми касаба уюшмаси маблағларидир.

«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» шиори остида мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойларига ишчи-ходимлар учун саёҳатлар уюштирилди. Ёзги мавсумда эса 2 663 нафар бола соғломлаштирилди.

Йиғилишда Республика кенгаши тафтиш комиссияси томонидан тармоқ касаба уюшмаси ҳудудий кенгашлари молиявий фаолиятларини назорат-тафтиш қилиш жараёнида аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳам кўриб чиқилди.

Республика кенгаши бош юрисконсульти Лола Нишонова меҳнаткашларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатлари бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди. Унда қайд этилишича, йил мобайнида турли масалалар бўйича 55 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг аксарияти қаноатлантирилган. Натижада 1 миллиард 140 миллион 763 минг сўмлик иш ҳақи ва бошқа тўловлар ундириб берилган.

Йиғилишда келгусидаги устувор вазифалар белгилаб олинди. Ушбу жараёнда касаба уюшмаларига аъзоликни кенг тарғиб қилиш, аъзо ташкилотлардаги ишчи-ходимлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларга муносиб меҳнат шароити яратишни таъминлаш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Фаолият самарадорлигини янада ошириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА
«ISHONCH»

Қашқадарё вилояти

Бошланғич ташкилотларда

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Муборак туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактаби фаоллар залида Мактабгача ва мактаб таълими бўлими ҳамда тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши ўртасида 2023-2025 йиллар учун мўлжалланган Жамоа келишуви бандларининг 2023 йил давомида бажарилиши юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда барча таълим муассасалари иш берувчилари ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаоллари иштирок этди. Кун тартибидаги масала юзасидан Мактабгача ва мактаб таълими бўлими мудири Ихтиёр Усмонов сўзга чиқди. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Муборак тумани кенгаши раиси Янгибой Авезов жамоа келишувининг 2023 йил давомида бажарилиши бўйича ҳисобот берди.

Ҳисоботлар юзасидан сўзга чиққан 9-мактаб директори Умидулло Даминов, 4-мактаб раҳбари Насиба Насимова, 16-мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси Дилдора Умирова, туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими мудири ўринбосари Оганиёз Бойниёзов жамоа келишуви бажарилишини қониқарли деб баҳолашди.

Музокаралар асноси ходимлар юртимиз бўйлаб саёҳатларни янада кўпайтиришни таклиф қилишди. Педагогларнинг бўш вақтларида спорт мусобақалари ўтказиш анъанаси қўллаб-қувватланди.

Йиғилиш сўнгида кўрилган масалалар юзасидан қўшма қарор қабул қилинди.

Умида ТЕШАЕВА,
Муборак туманидаги 34-мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси

* * *

САРҲИСОБ ПАЛЛАСИ ЯҚИН

Бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари иш берувчи билан ижтимоий шерикликда ходимлар манфаатлари йўлида нималарга алоҳида эътибор қаратиши зарур? Локал ҳужжатнинг таъсирчанлигини ошириш учун янги тузилажак жамоа шартномасига яна қандай бандлар қўшиш лозим?

Шаҳрисабз шаҳрида бўлиб ўтган семинарда юқоридаги саволларга муфассал жавоб қайтарилди. Яъни, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси шаҳар кенгаши томонидан тармоқдаги 62 та бошланғич ташкилот етакчиси учун амалий ўқув семинар ташкил этилди.

Унда кенгаш раиси Умиджон Ортиқов илк бор локал ҳужжат муҳокамасини ўтказадиган етакчиларга амалдаги тартиб-қоидалар ҳақида тушунчалар берди. Жамоа шартномаси орқали ходимларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилаш, Меҳнат кодексига кўра, янги татбиқ этилаётган имтиёзлар, сиҳатгоҳлар ва оромгоҳларга йўлланмалар ажратиш тартибига тўхталди.

Етакчиларга янги локал ҳужжатни қабул қилиш юзасидан муҳим тавсиялар берилди.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

Самарқанд вилояти

«Аёллар дафтари»ни варақлаганда...

ТАФАККУРГА ТУРТКИ

Йиллар давомида уйда ўтириб, ўз вазифасини фақат бола боқишу уй юмушларида, дея англаган қишлоқ аёли риторикасида туб бурилиш ясаш осонмас. Бот-бот эшикларнинг чертилишидан мақсад ҳам тафаккурга туртки беришдан иборат.

– Уйма-уй юриб ўрганишлар жараёнида аксар аёлларимиздан муаммолари сўралганда кўпинча кир ювиш машинаси ёки рўзғорда асқатадиган пишириқ анжомини сўраган ҳолатларга дуч келинади, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раисининг ёшлар ишлари бўйича маслаҳатчиси, ишчи гуруҳи аъзоси Акбар Абдусаидов. – Илк босқичларда уларнинг истаклари бўйича минглаб кир ювиш машиналари, пишириш печлари етказиб берилди. Аммо бу кўмак билан муаммо ҳал бўлиб қолмаслиги кундай равшан. «Аёллар дафтари» юритилишига тизимли тус беришдан мақсад уларнинг маиший муаммосини ҳал этиш билан чекланиб қолмай, тафаккурда ҳам бурилиш ясашдир. Босқичма-босқич давом этаётган тизим шарофати туфайли минглаб аёлларимиз ҳаётда ўз ўрнини топяпти. Ишлаш истагида бўлган, ўзини тадбиркорликда синаб кўришга жазм этганларнинг хоҳишлари тўла амалга ошмоқда.

Хўш, натижа қандай? «Аёллар дафтари» тизимининг илк босқичида 9 та тоифага ажратилган ҳолатда хотин-қизлар муаммолари ўрганилиб, ҳал этилганди. Ўтган йилда эса аёллар муаммоси 6 тоифа даражасида ҳал этилди. Кўриниб турибдики, 3 та тоифа бўйича белгиланган вазифалар уддалаб бўлинди. Самарқандда ўтган йилда маҳаллалар кесимида 108 минг 538 нафар хотин-қиз муаммоси устида ишланди. 35 мингдан ортиқ аёлларнинг бандлиги таъминланиб, 4 минг 198 нафарига тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишлари учун 38,7 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Салкам 34 минг нафар аёлга моддий ёрдам кўрсатилди, 3,5 мингдан зиёдининг уй-жойлари таъмирлаб берилди. Хуллас, барча тоифаларда режалаштирилган ишлар бажарилди.

Айни пайтда ишчи гуруҳ томонидан 1 минг 126 та маҳалла хонадонларида ўрганишлар орқали 5 босқич шакллантирилянпти. Хатлов кунлари касалхонада даволанаётган ёки меҳнат миграциясида бўлган, жазони ижро этиш муассасаларидаги хотин-қизларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қисқаси, хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатишнинг галдаги босқичи учун бошланган тадорик қизғин паллага кирди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Бухоро вилояти

Йиғилиш

ҚАРОРЛАР ИЖРОСИ БИЛАН МУҲИМ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгашининг 11-ижроия қўмита йиғилиши бўлиб ўтди. Унда аъзолар, аппарат ходимлари, тармоқ масъул ташкилотчилари, бирлашган қўмиталар, вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари, бошланғич ташкилотлар раислари, масъул ходимлари ва ҳисобчилари қатнашди.

Тизимда олиб борилган ишлар, хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга оид давлат сиёсатини самарали амалга оширишда касаба уюшмалари томонидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш тўғрисидаги қарорлар ижроси, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси тармоқ ташкилотларида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва спорт ишларининг аҳволи ва бошқа қатор масалалар танқидий кўриб чиқилди. Ўтказилган жамоатчилик назорати тадбирларида айрим хато ва камчиликлар аниқлангани қайд этилди.

Чунончи, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасига аъзо ташкилотларда иш берувчиларнинг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун талабларига амал қилиниши устидан ўтказилган жамоатчилик назорати тадбирларида бир қатор камчиликлар аниқлангани айтиб ўтилди.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддаси талаби бўйича ходимлари сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозими жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилиниши лозим бўлса-да, туман ва шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари ҳамда қуйи ташкилотларида меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини олиб бориш бўйича иш берувчининг буйруғи билан жавобгар шахс тайинланмаган.

Меҳнат соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан ўтказилган жамоатчилик назорати тадбирида тизимда ишлаётган нопедагог ходимлар, хусусан, маъмурий-бошқарув, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларга меҳнат таътилининг бутун даври учун тўлиқ ҳақ тўланмаган. Бу ҳақда юқори ташкилотларга ахборотлар киритилган.

Шунингдек, Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти бирлашган қўмитаси тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан масъуллар ҳисоботида ёшлар комиссиялари фаолиятига оид ҳужжатларни юритишдаги айрим хато ва камчиликлар аниқланган.

Йиғилишда шу каби қатор масалалар танқид остига олинди ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар берилди.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

Андижон вилояти

Таҳлил

ҲУҚУҚ ҲИМОЯЧИСИ

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Избоскан тумани кенгашининг ўтган йилнинг сарҳисоби ва келгусидаги вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда туман кенгаши раиси Акбарали Аҳмадалиев амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот берди. Айни вақтда кенгаш негизида 104 та ташкилот бўлиб, 6 минг 785 нафар аъзони ўзида бирлаштирганини, шу даврга қадар жамоа шартномалари ва келишувлари доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилганини айтиб ўтди. Шунингдек, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан мактаб маъмурияти билан бошланғич касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2023-2025 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2023 йилда бажарилишига бағишланган йиғилишлар бўсағасида турилгани алоҳида таъкидланди.

Бошланғич касаба уюшма қўмитаси раислари М.Тўрабоева ва М.Юлдашева туман кенгашининг ўтган йилда амалга оширилган ишларидан қониқиш ҳосил қилишганини айтишди. Иштирокчилар кун тартибидаги масала – туман кенгашининг 2023 йилдаги фаолиятини қониқарли деб топишди. Шунингдек, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Республика кўрик-танловларининг туман босқичи ғолиблари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланган йиғилиш якунида кенгаш раиси Акбарали Аҳмадалиевга «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони топширилди.

Зафарбек АБДУЛЛАЕВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Андижон вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Фарғона вилояти

Эҳтиром

«ЯХШИЛАР ҲАМИША БОР БЎЛСИН!»

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши томонидан фахрийлар ҳолидан хабар олинди.

Албатта, бу каби йўқловдан инсоннинг кўнгли тоғдек кўтарилади. Биргина ширин сўз ҳам унга малҳам бўлади.

Абдуқобил Казаков узоқ йиллар давомида касаба уюшмалари тизимида меҳнат қилиб, соҳа ривожига улкан ҳисса қўшган фахрийлардан бири. Фаолияти давомида соҳа истиқболи учун бор куч-ғайратини ишга солди. Ҳалол меҳнати ортидан ҳурмат-обрў қозонди.

– Касаба уюшмаларининг кўли очиқ, сахий инсонлари ҳамиша бор бўлсин, – дейди Абдуқобил Казаков. – Шундай нуфузли жамоат ташкилотида ишлаб кам бўлмадим. Ҳар куни газета, телевизор орқали касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишларни кўриб, ташкилот нуфузи тобора ортиб бораётганига ишонч ҳосил қиламан. Чиндан ҳам, касаба уюшмалари бугун юрт тараққиётига ўзининг улкан ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

Жиззах вилояти

Мусобақа

ПЕДАГОГЛАР БЕЛЛАШУВИ

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Мирзачўл тумани кенгаши туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими билан ҳамкорликда «Янги Ўзбекистон армияси – мамлакат қудрати, юксак ғурур ва садоқат тимсолидир!» шиори остида волейбол мусобақасини ўтказди.

Кескин баҳслар тумандаги 1-мактабда таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагоглар ўртасида кечди.

Педагог ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни спортга кенг жалб этиш, соғломлаштириш тадбирлари орқали саломатлигини тиклашга кўмаклашишни мақсад қилган мусобақа кўтаринки руҳда ўтди. Муросасиз баҳсларда 1-ўринни 20-мактаб жамоаси банд этди. 2-ўринни 10-мактаб, 3-ўринни 1-мактаб жамоалари қўлга киритишди.

Мусобақа сўнггида ғолиб жамоалар Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Мирзачўл тумани кенгашининг эсдалик совғалари ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими бўлимининг дипломлари билан тақдирланишди.

Мурод БЕКҚУЛОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Мирзачўл тумани кенгаши раиси

МУСАФФО ОСМОН УЧУН ТАҚИҚЛАР

улар қанчалик фойда беради?

Гапнинг дангалини айтганда, Тошкент дунёдаги ҳавоси энг ифлосланган шаҳарлар рўйхатидан доимий жой олишга улгурди.

Мана, куни кеча чиққан яна бир хабар:

«Тошкент дунёнинг ҳавоси энг ифлос шаҳарлари рейтингида 8-ўринни эгаллаб турибди».

Афсуски, биз бу каби хабарларни деярли ҳар куни ўқияпмиз. Ҳаттоки, бунга кўникяпмиз.

Матбуот бонг уряпти. Жамоатчилик гапиряпти. Экологлар хавотир билдиряпти. Аммо мутасаддилар жим... Ҳамма гап шунда...

Яқинда Экология, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ушбу ҳолатнинг сабабларини маълум қилди: «***Пойтахт атмосфера ҳавосининг ифлосланишига табиий ва антропоген омиллар сабаб бўлмоқда».***

Табиий ҳолатларни тушунамиз. Уларни бартараф этишга қурбимиз етмайди. Аммо табиий омиллардан кўра, инсон омилининг кўплиги – атроф-муҳитга тажовуз дилни ўртайди. Энг ёмони, шу оқибатларни кўра-била туриб, ҳолатларнинг тўхтамаётганида...

Масалан, охирги йилларда пойтахтда яшил ҳудудлар айрим «учар тадбиркор»лар қўли билан камайтирилди. Бунга ҳатто дарахт кесишга бўлган мораторий ҳам таъсир қилмади. Шу давр ичида 49 мингга яқин дарахт ноқонуний кесиб ташлангани сўзимиз исботи.

Президентимизнинг қайта-қайта таъкидлаши, масъулларга қатъий топшириқ беришига қарамай, шаҳарнинг бош режаси ҳалигача тасдиқлангани йўқ. Қурилишга эълон қилинган мораторий ҳам кор қилмаяпти. Аксинча, бетартиб, ноқонуний қурилишлар айни авж паллада...

Мамлакатимизда кун сайин автомобиллар сони ортиб боряпти. Мисол учун, 2021 йилда 3,14 миллион дона машина ҳисобга олинган. 2023 йилда мазкур кўрсаткич 4,6 миллион донани ташкил этган.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида бир кунда ўртача 730 мингта автотранспорт воситаси ҳаракатланади, ҳудудлардан қўшимча равишда 160 мингдан 300 минггача автоулов кириб келади. Ўз-ўзидан аёнки, бу атмосферага сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатади. Ҳозир кўпчилик халқаро стандартларга жавоб бермайдиган АИ-80 маркали бензиндан фойдаланаётганини ҳисобга олсак, ҳолатнинг нақадар мураккаблиги ойдинлашади.

Яна бир муаммо шундаки, пойтахтда йўл ҳаракати тўғри ташкил этилмаган. Агар сиз биринчи светофорнинг қизил чироғида тўхтасангиз, катта эҳтимол билан иккинчисида ҳам қизилга тўхташга мажбур бўласиз. Кунда-кунора, тиғиз паллада тез-тез тирбандликлар юзага келаётгани ҳам айнан шундан. Турган гапки, тирбандликда тўхтаб турган машина ҳаракатланаётганига нисбатан атмосферага кўпроқ зарар етказади.

Шунингдек, ҳозир кўмирдан фойдаланиш янада ортган. 2019 йилда 3,9 миллион тонна кўмир ёқилғи сифатида ишлатилган бўлса, 2022 йилда бу рақам 5,3 миллион, 2023 йилда эса 6,7 миллион тоннага етган.

Таъкидлаш жоиз, 10 тонна кўмир ёқилганида атмосфера ҳавосига 220 кг. қурум, 360 кг. олтингугурт II оксиди, 64 кг. углерод оксиди, 16 кг. азот II оксиди ва 2 тонна кул чиқиндиси ажралиб чиқади.

Атмосферага жиддий зарар етказаётган омиллар ичида иссиқлик марказларининг ҳам яхшигина ҳиссаси бор, албатта.

Айни пайтда пойтахтда олтита марказлашган иссиқлик маскани бор ва уларда тўққизта қозонхона мавжуд. Ушбу қозонхоналарда биргина декабрь ойининг ўзида 3 минг тонна мазут ёқилғисидан фойдаланилган.

Тошкент шаҳри тоғлар билан ўралган ва чуқурликда жойлашган. Шамол айланмаслиги ҳисобига чанг ҳаво оқими шаҳарда туриб, димланиб қолади ва табиий йўл билан чиқиб кетмайди. Айни шу ҳолат ҳам ҳавонинг ифлосланишига олиб келмоқда.

Бош прокуратура матбуот хизмати хабарига кўра, йиғилиш якуни бўйича «Автомобилсиз кун», ҳафта кунларини жуфт ва тоқ рақамли автомобилларга бўлиш, жамоат транспорт воситаларидан фойдаланишни кенгайтириш, стандарт минимумини «Евро-4»га кўтариш, саноатда кўмир ёқилғисидан воз кечиш ва шу каби кўплаб таклифларни ишлаб чиқиш ва реализация қилиш ҳақида келишилган.

Экология, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳаво ифлосланиши сабабларини санаб ўтиш асосида бу ҳолатни бартараф этиш борасидаги таклифларини ҳам ўртага ташлади.

«Евро-4» стандартидан паст экологик тоифадаги мотор ёнилғи (АИ-80 русумли бензин)дан фойдаланишни тақиқлаш, автотранспорт воситалари тирбандлигини камайтириш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳри ҳудудида куннинг тиғиз вақтларида (эрталабки соат 7 дан 10 га қадар ва 17 дан 20 га қадар) юк ташиш учун мўлжалланган, вазни 3,5 ва 12 тоннадан ортиқ транспорт воситаларининг ҳаракатини чеклаш, 2010 йилгача ишлаб чиқарилган барча тоифадаги автотранспорт воситалари ҳаракатланишини тақиқлаш, автотранспорт воситалари эгаларига замонавий автомобиллар ўтиш учун (электромобил)га имтиёзлар, переференциялар ва субсидиялар беришни йўлга қўйиш, сўнгги йилларда йўлларда юзага келаётган тирбандликларни камайтириш мақсадида тажриба тариқасида автомобиллар ҳаракатини мақбуллаштириш учун уларни «тоқ ва жуфт» кунларда бошқариш тартибини жорий этиш, шаҳарнинг диққатга сазовор марказий кўчаларида автотранспорт воситаларидан холи ҳудудларни ташкил қилиш каби ишлар шулар жумласидан.

Шунингдек, жамоат транспортини тўлиқ электр, газ-баллон ёқилғиси ва бошқа муқобил ёқилғи турларига ўтказиш, йўл инфратузилмасини ташкил этиш, барча турдаги қурилиш объектларини (ижтимоий ва давлат аҳамиятига оид объектлар бундан мустасно) қуришга мораторий эълон қилиш, Тошкент вилоятининг Тошкент шаҳрига туташ туманларида саноат мақсадларида кўмир ёқилғисидан фойдаланишни тақиқлаш, микроиқлим мўътадиллигини таъминлаш, атмосфера ҳавоси сифатига ижобий таъсир этиш мақсадида сунъий сув ҳавзаларини барпо этиш, Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган иссиқлик марказларида захира ёқилғиси сифатида мазутдан фойдаланишни кескин тақиқлаш, илмий ва пухта ишланган хулосалар асосида шамол тезлигини пасайтириш, тупроқ зарралари кўчишининг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳри атрофида «яшил белбоғ»лар барпо этиш, атмосфера ҳавосининг сифат кўрсаткичини доимий эълон қилиб борадиган табло ва мониторлар ўрнатиш каби таклифларни ҳам илгари сурган.

Яқинда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги мутахассислар иштирокида Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши юзасидан мажлис ўтказди.

Йиғилишда «Автомобилсиз кун», ҳафта кунларини жуфт ва тоқ рақамли автомобилларга бўлиш, жамоат транспорт воситаларидан фойдаланишни кенгайтириш, стандарт минимумини «Евро-4»га кўтариш, саноатда кўмир ёқилғисидан воз кечиш ва шу каби кўплаб таклифларни ишлаб чиқиш ва реализация қилиш ҳақида сўз борган.

Аммо бир қарашда осондек кўринган «ҳафта кунларини жуфт ва тоқ рақамли автомобилларга бўлиш» ҳам осон эмас. Бу ишнинг баҳсли томонлари кўп.

Биринчидан, бугун ҳар икки хонадоннинг биттасида автоулов бор. Айниқса, пойтахтда битта хонадонда учтагача ҳам улов бор. Агар машиналар тоқ ва жуфт кунларга ажратилса, улар давлат рақамларини жуфт ва тоқ қилиб олади ва куннинг жуфтида ҳам, тоқида ҳам ундан бемалол фойдаланаверади.

Иккинчидан, мутахассисларнинг айтишича, 2023 йилнинг декабрь ойида Тошкентда ҳавонинг ифлосланиши жуда юқори даражага чиққан вақтларда кўчалардаги автомобиллар сони (метан ва бензин йўқлиги боис) каррасига кам бўлган. Бундан кўриниб турибдики, шаҳар ҳавоси ифлосланишида машиналарнинг ҳиссаси бошқа омилларга нисбатан анча кам. Кўринадики, бу чорани амалиётга татбиқ этишдан олдин пойтахт атмосферасини энг кўп нима ифлослантираётганини ўрганиш лозим.

Фикримизча, турли тақиқлардан кўра, жамоат транспортини янада ривожлантириш афзал. Токи одамлар учун шахсий автомобилда эмас, жамоат транспортида юриш қулай бўлсин. Шундагина улар ўз ихтиёри билан уловдан фойдаланишни камайтиришади. Акс ҳолда, минг хил тақиқларни ўйлаб топмайлик, барибир бефойда.

Кўпчиликнинг наздида, ҳаво ифлосланишининг асосий сабабларидан бири қурилишлар... Кейин эса корхоналардан чиқаётган тутунлар... Ва, энг асосийси, дарахтларнинг аёвсиз кесилиши...

Демак, бу муаммо ечими ва унинг чоралари хусусида мутасаддилар кўпроқ бош қотиришига тўғри келади. Бу ишни эса, энг аввало, қозонхоналар, завод-фабриклардан ҳавога чиқарилаётган тутунларнинг зарар миқдорини текширишдан бошлаш керак, назаримизда.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»

Наманган вилояти

БЕКАТГА ЧИРОҚ ЎРНАТИЛДИ

навбат таъмирлаш ишларига...

«Ishonch»да чоп этилгач...

«Ishonch» газетасининг шу йил 13 январдаги сонида Поп туманидаги «Санг» темирйўл бекатининг ачинарли ҳолати ҳақида «Бекат «Тош асри»дан қолганми?» сарлавҳали танқидий мақола чоп этилган эди.



Ушбу мақола тегишли ташкилотларга вақтида етиб борган кўринади, айни пайтда бекатга ёриткич чироқлар ўрнатилибди.

Бу кичик ижобий натижадан қишлоқ аҳолиси мамнун бўлиб, таҳририятга қуйидагича миннатдорчилик билдиришди:

«Таҳририятга барча қишлоқ аҳолиси номидан миннатдорчилик билдирамиз. Мана, неча йиллаб қаровсиз, ачинарли бир аҳволда ишлаётган бекатга бугун ёруғлик кириб келди. Кечаси қўл телефони нурида пайпаслаб поезддан зўрга тушар эдик. Бугун электр линияси узатилиб, катта ёриткичлар ўрнатилди. Бу ўзгаришдан сўнг қишлоқдаги оддий одамларнинг яна бир бор матбуотга, сиз журналистларга ишончи ортди».

Ушбу ижобий ҳаракатни яхши амалнинг бошланиши деб билган ҳолда, мутасаддилар бекатни замонавий кўринишга келтиришга ҳам киришсалар, нур устига нур бўлар эди.

Ахир халқ сизга, бизга ишонмоқда. Ишончни оқлаш эса ҳар нарсадан устун. Шундай эмасми?!

Орзугул РУСТАМОВА
«ISHONCH»

СИли компьютерлар сотувга чиқади

Компьютер ишлаб чиқарувчи компаниялар сунъий интеллекти (СИ) мавжуд компьютерлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи.

Canalys мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, 2024 йилда бозорга чиқариладиган ҳар бешинчи шахсий компьютер ёки 170 миллиондан ортиқ қурилмага СИ таъминоти ўрнатилади. Улар мураккаб ҳисоб-китоблар ва катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлашга мослаштирилган чиплар ичига жойлаштирилади.

Таъкидланишича, СИга эга шахсий компьютерларнинг деярли 60 фоизи ташкилот ва корхоналар учун чиқарилади. «Шундан сўнг улар тез суръатларда оммалашиб, айниқса, унумдорлик, хавфсизлик ва харажатларни бошқариш билан боғлиқ қурилмаларда сунъий интеллектнинг афзалликлари бизнес учун асосий омилга айланади», дейди экспертлар.

Canalysнинг маълумотларига кўра, 2024 йилда энг кўп шахсий компьютерларни Lenovo етказиб беради. Кейинги ўринларни Hewlett-Packard, Dell ва Apple эгаллайди.

Смартфонлар учун «абадий» ядро батареяси

Хитойнинг Betavolt стартапи 50 йил давомида электр энергияси ишлаб чиқара оладиган янги «абадий» аккумулятор яратди.

Пекинда жойлашган Betavolt компаниясининг таъкидлашича, унинг 63 та ядро изотопидан иборат ядро батареяси атом энергиясининг дунёдаги илк митти намунасидир.

Стартап вакилларининг айтишича, янги авлод аккумулятори дастлабки синовлардан ўтяпти ва охир-оқибат смартфон ҳамда дронлар каби тижорий иловалар учун оммавий тарзда ишлаб чиқарила бошланади.

«Betavolt ядро батареялари аэрокосмик саноат, сунъий интеллект, тиббий асбоб-ускуналар, микропроцессорлар, илғор сенсорлар, кичик дронлар ва микророботларнинг узоқ муддатли энергия эҳтиёжларини қондира олади», дейилади компаниянинг матбуот хизмати пресс-релизида.

Ёшлар ўртасида саратон касаллиги кўпаймоқда

Америкалик олимлар дунё миқёсида саратон касаллиги кўпайганини таъкидламоқдалар. Энг ачинарлиси, уларнинг катта қисми – ёшлар. BMJ Oncology журналида чоп этилган тадқиқотда айнан шу ҳақда сўз боради.

Саратонга чалинган 50 ёшгача бўлган беморлар сони бутун дунёда, айниқса, Шимолий Америка, Ғарбий Европа ва Австралияда сезиларли даражада ошган. Бундан ташқари, Қўшма Штатларда аниқланган саратон касаллигига чалинганлар сони 20 йил ичида 12,8 фоизга кўпайган.

Бу ҳолат тиббиёт ходимларини боши берк кўчага етакламоқда. Кўпчилик тадқиқотчилар ва шифокорлар ушбу статистик маълумотларни ҳаракатсиз турмуш тарзи, семизликдан азият чекаётган одамлар сонининг кескин кўпайгани, микропластиклар ва кўп бора қайта ишланган озиқ-овқатлар истеъмолининг ортгани билан изоҳлашга уринмоқдалар.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Эълон

Ўзбекистон «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти рамзининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқолгани сабабли ҳақиқий эмас деб ҳисобланисин.

KO‘ZGU
Yigitlikda yig‘ ilmning maxzani.
Qarilik chog‘i xarj qilgil ani..
Alisher NAVOIY

2024-YIL 18-YANVAR,
PAYSHANBA
№ 10 (4918)

Саломатлик

БАРЧАСИ «БАХТ ГОРМОНИ»ГА БОҒЛИҚ

барвақт соч тўкилиши ва оқариши сабаблари хусусида мутахассис фикрлари

Кузатувларга кўра, ҳозир сочлари жуда эрта оқараётган ёшлар, сочлари тўкилаётган ва ҳатто «ўчоқли алопеция» деб номланувчи касалликка чалинганлар кўп учрамоқда. Хўш, нима учун бу муаммолар тобора «ёшариб» боряпти?

Биз ушбу саволга батафсил жавоб олиш мақсадида **Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази шифокори Одила ДИЛШОДОВА**га мурожаат қилдик.

– Бу муаммо ҳозир кўп ёшларни, ҳатто, болаларни ҳам қийнамоқда, – дейди шифокор. – Ҳузуримизга ҳатто, 2-3 ёшли болалар ҳам «ўчоқли алопеция» ташхиси билан келишади. Сочлари барвақт тўкилаётган ва оқараётган ёшлар ҳам кўп мурожаат қилишади.

Алопецияга тўхталадиган бўлсак, бу аутоиммун ҳолат ҳисобланади. Бу ҳолатга иммунитетнинг шаклланаётган даври, эндокрин, асаб тизимларидаги ўзгаришлар, гижжа, рахит, терининг инфекцияли касаллиги каби сабабларни асос сифатида келтириш мумкин.

Ишларимизни энг қийинлаштирадиган нарса бу – ота-оналарнинг болани ўзбошимчалик билан даволашга уриниши, оқибатда касалликни ўтказиб юбориш ва ҳатто қошлар, танадаги туклар тўкила бошлаганида мурожаат қилишларидир. Бу касалликда муолажа қанча эрта бошланса, ундан шунча тез халос бўлиш мумкин.

Ёш йигит ва қизларда эса, кўпроқ гормонал ўзгаришлар, турли стресслар, уйқу сифатининг бузилиши, турли кимёвий қўшимчали ичимлик ва егуликларни истеъмол қилиш ва бошқа сабаблар туфайли ҳам алопеция кузатилмоқда. Бундан тушкунликка тушиш унинг баттар ривожланишига олиб келади. Кайфиятни яхшилаш, тузалишга ички ишонч ҳосил қилиш лозим. Чунки организмда «эндорфин» (бахт гормони) кўпроқ ишлаб чиқарилса, муаммонинг ечими шунчалик самарали бўлади.

Сочларнинг эрта оқариши ҳолатига келсак, бу, аввало, насл суришини ҳисобга олиш лозим. Масалан, ота-она, бобо-бувиларда кузатилган бўлса, албатта, кейинги авлодларда ҳам кузатилиши эҳтимоли юқори. Агар наслда бўлмаса, бунга организмда баъзи моддаларнинг етишмовчилиги, анемия, гормонал ўзгаришлар каби омиллар сабаб бўлаётганини таъкидлаш мумкин. Айниқса, қаттиқ тушкунлик, зарарли одатлар ва нотўғри овқатланиш бу жараён янада тезлашишига сабаб бўлади.

Айтмоқчи бўлганимиз шуки, аввал муаммонинг сабабини аниқлаб, сўнгра уни бартараф этишга – зарур даво чораларини кўришга киришсак, натижага эришишимиз мумкин.

«ISHONCH» мухбири
Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
суҳбатлашди

Дил сўзлари

ОЛИМНИНГ ЙИГИТ ЁШИ

Мен Раҳматуллони қачондан буён билишимни ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман. Қаранг, шунга ҳам қирқ беш йил бўпти. «Бировнинг кимлигини яхши англаш учун бир пуд тузни бирга ейиш керак», дейди ўрислар. Биз Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтининг ёнма-ён жойлашган икки бўлимида ишлаб, ҳар куни бирга тушликка чиқиб, ҳар баҳорда пичан ўриш, ёзда мева териш, кузда пахта териш, қишда улкан музхоналарда пиёз саралаш каби «умумхалқ ҳашар»ларига бирга боравериб, бу орада бирон ботмон тузни тенг ҳазм қилган бўлсак, ажабмас.

Ҳар йил беш-олти ой ана шунақа «умумхалқ ҳашари» сургунида яшардик. Институтнинг, академиянинг катталари хабар олгани боришар, ҳаммамизни тўплаб, «Сизлар – фанимиз келажагисизлар, биз сизларга ишониб юрибмиз, аммо-лекин пахтани янада кўпроқ теринглар», деб тайинлаб, олиб борган сариёғ ва макаронларини қолдириб қайтишар эди.

Бундан қатъий назар, ҳар биримиз қўлдан келганча илм билан шуғулландик. Раҳматулло Баракаев Ўзбек болалар адабиёти бўлимининг лаборанти эди. Қизиғи, бу бўлим мудири-ю катта-кичик илмий ходимларининг ярми болалар адабиёти соҳасига бегона, аммо фан доктори бўлгани учун мудирликка, фан номзоди экани сабаб илмий ходимликка тайинланганди. Чунки шундай бўлимлар очилган, штатларни эса тўлдириш лозим эди. Бугун, мана, орадан шунча йиллар ўтгач, ортга бир назар ташласак, айтиш мумкинки, бўлимнинг асосий мавзу-муаммоси билан Раҳматулло шуғулланган. Чунки унинг «ХХ аср бошлари ўзбек болалар адабиёти ва Абдулла Авлоний ижоди» деб номланган номзодлик диссертацияси аслида ўзбек болалар адабиётининг пайдо бўлиши, тараққиёти ва ривожланиш йўллари ҳақидаги жиддий тадқиқот бўлган эди.

Тиббиётда ҳар қандай касалликни даволашнинг дастлабки шарти беморга тўғри ташхис қўйиш бўлганидай, ҳар бир илмий муаммони ҳал этишдан олдин масаланинг илдизларини тўғри аниқлаб олиш даркор. Бусиз зўрма-зўраки илм пайдо бўлади.

Раҳматулло ўзбек болалар адабиётининг келиб чиқиши ва равнақ топишини уч илдизга – халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиётимиздаги дидактик йўналиш ва бошқа халқлар адабиётининг болалар учун ёзилган асарлари таржимаси таъсирига боғлаб, муаммо калитини тўғри топа олди.

Яна бир жиҳатни ҳам айтайлик. Бундан қирқ йиллар муқаддам айрим тилшунос ва адабиётшунос олимлар ўз асарларини рус тилида ёзишга ўта бошлашганди. Диссертациялар-ку, ўзбек тилида асло битилмасди. Ҳаммаёкда миллийликка барҳам берилиб, эрта-индин батамом ўрислашишга қараб кетгандик. Бу – Бобур қораланиб, Чўлпоннинг «шахси оқланган, бироқ ижоди оқланмаган», деб баҳоланиб турган бир палла эди. Ана шундай бир шароитда Раҳматулло Баракаев «оқимга тескари» сузди: Абдулла Авлонийнинг «Тарихи анбиё» *(«Мухтасар тарихи анбиё ва тарихи ислом»)* китобини жорий алифбога ўтказиб, луғатини тузди ҳамда сўнгсўз битиб, аввал газета ва журналларда, сўнгра катта ададда алоҳида китоб ҳолида нашр эттирди. «Тарихи анбиё» китоби бизда диний илм тарғиботининг дастлабки муждаларидан бўлган эди.

Дарҳақиқат, ҳақиқий илм сиёсат ноғорасига ўйнамайди, ўз сарбаст йўлида илгарилайверади. Раҳматулло Баракаев ўшандан бери жадид адабиётининг маърифатпарварлик йўналишини, унинг намояндалари фаолиятини чуқур ўрганиб келади.

Биласиз, олимлардан аксариятининг шуурини илмий муаммолар банд этган бўлади, гоҳо ёнидан ўтаётиб салом берсангиз, эшитмай қолади. Раҳматулло эса бунинг акси: ниҳоятда ҳушёр, ҳеч бир нарса назаридан четда қолмайди. Бу хислат унга Тошкент педагогика институтини тамомлаб, Бухоронинг Вобкент туманидаги ўзи ўқиган мактабда ўқув ишлари мудири, туман маориф бўлимида методист бўлиб ишлаган даврларида юққан ва бир умр ҳамроҳ бўлиб қолган. Шу сабаблидирки, кейинчалик Тошкентга келиб, Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтига ишга кирганида бу фазилат унинг ўзигагина эмас, биз каби хаёлпараст ўртоқларига ҳам роса асқотди: қўшимча равишда қайси институтда дарс берадиган бўлсак, унинг вақт-соатини Раҳматулло билан маслаҳатлашадиган, уни «завуч ака» деб чақирадиган бўлдик. Чунки қулай фурсатни шу «завуч ака»миз ўзимиздан ҳам яхшироқ белгилай оларди.

Биласиз, олимлардан аксариятининг шуурини илмий муаммолар банд этган бўлади, гоҳо ёнидан ўтаётиб салом берсангиз, эшитмай қолади. Раҳматулло эса бунинг акси: ниҳоятда ҳушёр, ҳеч бир нарса назаридан четда қолмайди. Бу хислат унга Тошкент педагогика институтини тамомлаб, Бухоронинг Вобкент туманидаги ўзи ўқиган мактабда ўқув ишлари мудири, туман маориф бўлимида методист бўлиб ишлаган даврларида юққан ва бир умр ҳамроҳ бўлиб қолган.

Мен бу гапларни ҳазил сифатида бекорга айтаётганим йўқ. Раҳматулло илмий ишини ёқлагач, яна «завуч» бўлди: қарийб чорак аср ана шу Тил ва адабиёт институтида илмий котиб бўлиб ишлади. Ҳеч ким бу даргоҳда ва бу лавозимда Баракаев домла каби узоқ ишлаган эмас. Бу эса, Худонинг берган ҳар куни камида икки-учта муаммо, машмаша, ҳеч бўлмаганда, бирон ташкилий юмуш дегани. Ҳатто ҳозир ҳам уни ўз ихтиёрига жўнгина қўйиб юборадиган анойи йўқ, бояги завучликни шогирди Ғуломжонга топширгач, бугунги кунда ЎзФА Тил, адабиёт ва фольклор институти илмий кенгаши аъзоси, шу институт ҳузуридаги илмий даражалар берувчи кенгашнинг илмий котиби, яна бир илмий кенгаш қошидаги илмий семинар аъзоси, «Ўзбек тили ва адабиёти» ҳамда «Адабий мерос» журналлари таҳрир ҳайъати аъзоси.

Ҳамон ўша-ўша ҳушёр, синчков, саранжом-саришта – барига улгуради.

Раҳматулло олим сифатида болалар адабиётини шунчаки тадқиқ қилиб, институт ичида ўтириб қолмади, бильакс, талай ижодкорлар билан қалин алоқада бўлиб, уларнинг асарлари ҳақида кўплаб теран таҳлилли мақолалар ёзди: номзодлик диссертациясини ёқлаганидан бери эълон қилган илмий асарларининг сони 240 тадан ошиб кетибди. Уларнинг тўққизтаси – монография, дарслик ва ўқув қўлланмалари. Турсунбой Адашбоев билан Анвар Обиджон Раҳматуллони бир укаларидай кўрган бўлишса, бугун унинг ўзи болалар адабиётининг тадқиқотчилари ва болалар учун ёзадиган шоиру ёзувчиларга бир дарға. Домланинг илмий ва ҳаётий сабоғини олган ёшларнинг беш-олти нафари номзодлик диссертациясини ёқлаб, ҳозир олий ўқув юртларида болалар адабиётидан сабоқ беряпти.

Шу маънода, профессор Раҳматулло Баракаевни яхши бир олимгина эмас, балки фаол фан ташкилотчиси, деб атасак ҳам хато қилмаймиз.

Ҳозир у «Истиқлол даври ўзбек болалар шеъриятининг тарихий-тадрижий такомили» мавзусидаги докторлик диссертациясини поёнига етказяпти. Шунча иш қилган одам доктор эмасмиди, деб сўрайдиганларга жавобим тайёр: бир пайтлар ёшларга хос бўлган максимализм ҳаммамизни ҳам четлаб ўтмаган, ҳар бир ишни ўта мукаммал тарзда адо этишга интилиш кучли эди. Бўлмаса, ўзбек болалар адабиётининг туғилишидаги боя мен айтган уч асосий илдизни комплекс тадқиқ этиш докторлик ишининг объекти бўлиши керак эди, Раҳматулло Баракаев уни номзодлик ишидаёқ ўрганиб, исботлаб бўлган. Шу билан қаноатланмай, ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг, мумтоз адабиётимизнинг, форс ва рус тилларидан қилинган дастлабки таржималарнинг ўзбек болалар адабиёти туғилишидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида ўнлаб мақолалар эълон қилди, китоблар нашр эттирди...

Бир йигит қирқ йилда бино бўлар эмиш. Аммо чин олим дегани олтмишда, етмишда камолга етади. Ўттизни тўлдирганига эндигина қирқ йил бўлиб, қирчиллама олим ёшига етган биродарим Раҳматуллони бу сана билан табриклаб, китобни, адабиётни севувчи ёшларга ижод сирларини кашф этишида яна бир янги нафас, янада кўпроқ куч-ғайрат тилайман. Зеро, у Ватанимизнинг истиқболи бўлган маърифатли, маънан пок, китобга ошно ёшларни тарбиялашда катта-катта ишларга енг шимариб турибди.

Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ,
адабиётшунос



Мушоҳада

СЎРАГАННИНГ БИР, БЕРМАГАННИНГ ИККИ ЮЗИ ҚИЗИЛ(МИ?)

ёхуд қарз ва пул олди-бердиси муносабатлари ҳақида мулоҳазалар

Моддий етишмовчилиги бўлган, пулга эҳтиёжманд киши минг бир ўй, не бир истиҳола билан рўзғори бадастир, топиш-тутиши тўкис бўлган қариндоши, дўсти, ҳамкасби ёки танишига мурожаат қилади.

Иссиқ юз, жавдираб турган кўзларга қараб кимнингдир меҳри яриди, майли, узар, ваъда қиляпти-ку, деб сўраган пулини бериб юборади. Яна бир тоифадагилар қарз олди-бердисида «оғзи» кўп куйгани учун пули етарли бўлса ҳам эҳтиёжманднинг раъйини қайтаради. Хуллас, қарз олиш ва беришда кутилган-кутилмаган ҳолатлар учрайди.

Қарз сўраган киши эса, ҳақиқатан ҳам, қийналиб турибди, уни имкон қадар қўллаб-қувватлаган киши савобга қолади. Масаланинг қонуний, ҳаётий жиҳатлари шунчалик мураккабки, қарз олиш ва беришда баъзан дўст-биродарлик, қариндош-уруғчилик муносабатларига дарз кетади.

РАСМИЙЛАШТИРИШ ИШОНЧЛИРОҚ

Қарз сўраганнинг бир юзи, пули бўла туриб, бермаганнинг икки юзи қизил. Ҳуқуқий саводхонлиги етарли бўлмаган кишилар қарз муносабатларининг қонуний асосларини билмасликлари туфайли афсус-надоматда қоладилар. Мамлакатимиз қонунчилигида қарз бериш ва уни узишнинг нормалари белгилаб қўйилган.

– Фуқаролик кодексининг 41-боби қарз ва кредит масалаларига бағишланган, – дейди юридик фанлар доктори, профессор Миродил Баротов. – Хусусан, бобнинг 732-735-моддаларида қарз шартномасини расмийлаштиришнинг тартиб-қоидалари ифодаланган. Жумладан, 732-моддада шундай дейилади: «Қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади. Қарз шартномаси пул ёки ашёлар топширилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади». Ушбу моддаларда белгиланган нормалар нотариал хизмат соҳасида ишлайдиган юрист-ҳуқуқшунослар зиммасига катта масъулият юклайди. Ҳуқуқ-тартибот органларига айнан шу масала юзасидан мурожаатлар кўп бўлади. Баъзан қарздор ўз мажбуриятини унутиб, пулни қайтариш муддатини чўзади, алдайди, турли фирибгарликлар йўлига ўтади. Бундай кезда қарз берувчи суд органларига шикоят қилади, аммо унинг қўлида олди-берди бўйича ҳеч қандай ҳужжат бўлмагани ишнинг янада чигаллашишига сабаб бўлади. Олувчи берувчига ёзма тилхат берган бўлиши мумкин, аммо у нотариал тасдиқланмаган бўлса, ҳеч қандай қонуний характерга эга эмас. Олувчилар ўртасида тонадиганлар ҳам учрайди. Кўпчилик фуқароларимизда шаклланган ҳуқуқий маданият, ўзбекона «Ваъда вафоси билан гўзал» нақлига амал қилиб, лафзида турса, бунга нима етсин? Аммо гуруч курмаксиз бўлмагани каби айрим кимсаларнинг катта-катта суммаларни кимлардандир олиб, чув тушириши бир муаммо бўлса, ишнинг нотариал тартибда расмийлаштирилмагани яна бир оғриқдир. Шу боис оилада, мактабда, маҳаллада ҳар бир кишига катта суммадаги қарз олди-бердисини қонуний жиҳатдан расмийлаштириш тартиб-қоидалари ҳақида тушунча берилиши лозим.

БЕРГАННИНГ САВОБИ КЎП(МИ?)

Пули бўлиб, йўқ дейдиган кишидан кўра, бу ҳолатни тўғри тушуниб, бор ҳолича ёрдам бериб юборган кишининг юзи ёруғ. Шахслараро муносабат шу даражада мураккабки, бу ўринда қарз бергиси келмаган одамни ҳам айблаш балки ноўриндир. Эҳтимол, у топган даромадини бошқа мақсад учун йўналтираётгандир. Қарз олиб, бергиси келмаган инсонларга инсоф-диёнат сўраймиз, холос.

– Турли тоифадаги ҳамкасбларимиз бор, – дейди Юнусобод туманидаги 247-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Нодира Абдуллаева. – *Пулни жойига қараб сарфлаган ўқитувчи ойлик маошини кўплаб эҳтиёжларига етказади. Машаққат билан топган даромадини ҳуда-беҳудага харжлаган киши эса қандайдир муаммога дуч келса, қарз кўтаришга мажбур. Ҳеч кимдан қарзи бўлмаган инсоннинг хотиржамлигига нима етсин? Ҳамкасбларимдан бири ончалик катта бўлмаган суммада қарз сўради. Бердим, муддатини келишмаган эдик. Орадан бир, икки ой ўтди, ўқув йили тугади ҳамки, ҳалиги аёл на пулимни қайтарди, на хижолат бўлиб, узр сўради. Шу билан узоқ муддатли ёзги таътилга чиқиб кетдик. Янги ўқув йили бошланди. Ҳамкасбим қарзни узиш ҳақида ўйламасди, мен ҳам индамай қўя қолдим. Воз кечдим. Синалмаган отнинг сиртидан ўтиш, деб шуни айтсалар керак.*

* * *

«Қарз» сўзининг луғавий маъноси –«кесиш». Қарз берган киши молидан бир қисмини кесиб, бошқага бергани сабабли шундай дейилади.

Қарз олиш ва бериш жамият ҳаётида учрайдиган типик ҳодиса. Кимдандир катта миқдорда қарздор бўлишни ҳеч ким истамайди. Бунга турмушда учрайдиган муаммолар сабаб бўлиши мумкин. Аммо дуч келган таниш-билишидан қарзга пул олиб, буни узиш хаёлига келмайдиган, асл мақсади «чув туширмоқ» бўлган кимсалардан эҳтиёт бўлган яхши.

Энг муҳими, қарз бериш ва уни узишда ҳар бир шахснинг оилавий муҳитда олган тарбияси муҳим аҳамиятга эга. Имкон қадар қарз олувчи бўлмаган маъқул...

Ҳулкар ТУЙМАНОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

МУАССИС:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay‘ati:

Qudratilla RAFIQOV *(tahrir hay‘ati raisi),*
Ulug‘bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G‘OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),
Mehriddin SHUKUROV *(Mas‘ul kotib – «Ishonch»),*
Valentina MARSENYAK *(Mas‘ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma‘naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog‘iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg‘ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma‘lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: A. Haydarov

Musahhihlar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 19:10
Topshirildi – 19:30

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

Umumiy adadi 35 018 ta
Shundan:
7540 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
19 016 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
8462 nusxasi «Poligraf-Press» MChJ bosmaxonasi – Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G 111

1 2 3 4 5 6